

ОЛИЙ ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ТЕХНОЭТИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Алимжонова Гулнозахон Исроилжон қизи

Фарғона политехника институти олий мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6757432>

Аннотация. Мақолада олий техник таълим муассасалари талабаларининг техноэтик маданиятини ривожлантиришнинг замонавий педагогик шарт-шароитлари, омиллари, босқичлари, компонентлари, усуллари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: олий таълим, олий техник таълим, техника, этика, техноэтика, гуманитар билим, техник билим, интеграция.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ТЕХНОЭТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ СТУДЕНТОВ ВЫСШИХ ТЕХНИЧЕСКИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

Аннотация. В статье анализируются современные педагогические условия, факторы, этапы, компоненты, методы развития технологической культуры студентов высшего технического образования.

Ключевые слова: высшее образование, высшее техническое образование, техническое, этика, техноэтика, гуманитарные знания, технические знания, интеграция.

PEDAGOGICAL CHARACTERISTICS OF THE DEVELOPMENT OF THE TECHNOETHICAL CULTURE OF STUDENTS OF INSTITUTIONS OF HIGHER TECHNICAL EDUCATION

Abstract. The article analyzes the modern pedagogical conditions, factors, stages, components, methods of developing the technological culture of the students of Higher Technical Education.

Keywords: higher education, higher technical education, technical, ethics, technoethics, humanitarian knowledge, technical knowledge, integration.

КИРИШ

Олий ўқув юртлирини тамомлаган мутахассисларнинг юқори малакага эга бўлиш зарурияти давлат таълим стандартларида алоҳида қайд этилган ва янги даврда олий таълимни модернизациялашнинг устувор вазифаларидан биридир. Малакали мутахассислар тайёрлашга бундай янгича, инновацион ёндашув Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2019-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясидаги муҳим йўналишлардан ҳисобланади[1]. Ушбу муаммонинг ечимига илмий асосланган, малакали ёндашув лозим. Олий техник таълим жараёнида эркин фикрлайдиган, гуманизм, адолат асосида фаолият юрита оладиган, кўп қиррали кўникмаларга эга бўлган шахсни тарбиялаш асосий мақсаддир. Юқоридаги хусусиятларга эга бўлган мутахассислар кундалик ҳаётда учраётган ижтимоий мазмундаги ва касбий вазифаларни ҳал қилиш, ечиш имкониятига эгадир. Олий таълимга инновацион ёндашув мутахассислар тайёрлашда шу давргача устувор бўлиб келган режа асосида билим олиш усулидан тубдан фарқ қилади. Мутахассислар касбий кўникмаларини шакллантиришга, яъни унинг мазмуни, технологиялари, усулларига замонавий ёндашув янгиланаётган олий таълимни такомиллаштириш омили ва янги даврга мос бакалавр ва магистрларни тарбиялаш усулидир. Ушбу жараёнда олий таълим ўзининг бўлажак мутахассисларда

гуманистик, маънавий, ахлоқий сифатларини шакллантириш вазифасини бажариши зарур. Таъкидлаш лозимки, бу жараён тезлашаётган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, инсон меҳнат шароитининг ўзгариши каби омиллар билан чамбарчас боғлиқдир.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ривожланган давлатларнинг етакчи илмий тадқиқот институтлари ва марказларида, хусусан, Institute for the study of Religion, Economies and Society, Institute research social opinion of Gallup, Centre research civil society of University name Johns Hopkins (АҚШ), Institute of Central Asia, European Union Institute for Securityда техноген цивилизациянинг салбий жиҳатлари, инсоннинг автоматлашуви ва роботлашуви жараёни, сунъий интеллектнинг инсон онги билан рақобатлашуви ва бу вазиятда техноэтик ва биоэтик маданиятни ривожлантиришга доир социологик, фалсафий ва педагогик тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ғарб мамлакатларида техноген цивилизация инқирозининг салбий таъсирларига қарши техноэтик маданиятни ва масъулиятни ривожлантиришнинг педагогик, психологик ва фалсафий жиҳатлари кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Хусусан, хорижлик олимлар Ж.Мартин, Х.Бек, Ф.Дессауэр, С.Хокинг, Н.Виг, Ж.Элльоль, М.Хайдеггер, К.Ясперс, Д.Медоуларнинг тадқиқот ишларида техноген жараёнлар ва унинг салбий таъсирларига қарши техноэтик маданиятни ривожлантиришнинг методологик масалалари тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан В.С.Степанов, В.Степин, М.И.Щадов, Ю.А.Чернегов, Н.Ю.Чернегов ва бошқалар техникани яратиш, фойдаланиш ва такомиллаштиришда юксак ахлоқийлик масъулиятини тарбиялашга қаратилган таълимий-тарбиявий методикани ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик жиҳатлари ҳам ёритилган.

Ўзбекистонда ҳам олий техник таълим муассасалари бўлажак мутахассисларида техник ва технологик билимларни ошириш, янгича ёндашувлар асосида ўқитиш, амалий касбий кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек, уларда техник дунёқараш ва тафаккур билан бирга юксакахлоқий позиция ва масъулиятни ҳам шакллантиришнинг педагогик асосларини ошириш масалалари А.Авлакулов, Н.Шермухамедова, О.Файзиев, Э. Усмонов а ва бошқалар томонидан ўрганилган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Олий техника таълими муассасалари талабаларини техникани яратиш ва фойдаланишда ахлоқий масъулиятни унутмасликка ўргатувчи ва бу борадаги билимларини инновациларга йўналтирувчи “Техноэтик мааният” фани ўқув режаси, дастурини тузиш ва таълим жааёнларига киритиш учун вақт ҳам, зарурият ҳам юзага келмоқда.

Мазкур фанни ўқитишнинг асосий мақсади бўлғуси техника соҳаси мутахассисларни техника этикаси ва масъулиятига ўргатиш, касбий фаолият соҳасибилимлари, усул ва воситаларидан самарали фойдаланиш малакасини эгаллашга ёрдам беради, мавжуд моддий ва маънавий салоҳиятни янги ғоя, шу асосда янги ечимлар яратиш, амалиётга татбиқ этишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиши мумкин:

- техноэтик маданиятни ижтимоий-маданий қадрият, уни яратишга қаратилган онгли амаллар мажмуи сифатида ўзлаштиришда назарий билимлар билан қуроллантириш;

- техноэтик маданият фаолиятини аксиологик, интеллектуал ва функционал асослари билан таништириш, уни амалга оширишнинг омиллари ҳақида тушунча бериш;
- инновациялар яратувчи, уларни татбиқ этувчи шахс фаолиятининг умумижтимоий ва ижодкорлик табиати, шунингдек, унинг конкрет касбий фаолиятда гавдаланиш хусусиятлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш;
- янги ғояларни илгари суриш ҳамда уни амалга ошириш жараёнини таҳлил қилиш қобилиятини тарбиялаш ва унда умуминсоний ахлоққа таяниш;
- бўлғуси касбий фаолиятга оид янгича ғояларни асослаш, уларни амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш малакаларини шакллантириш;
- техноэтик маданиятни намоён қилиш билан боғлиқ стратегик, тактик, оператив вазифаларни бажариш лаёқатини юзага келтириш;
- талабалар томонидан техноэтик маданият кадриятларини ўзлаштириш билан бир қаторда уларнинг ижодий фаолиятидаги зарурий индивидуал сало-ҳиятни аниқлаш, уни янада кучайтиришга замин яратиш;
- глобал техник ва технологик ахборотлар билан ишлаш, янгича техник-технологик лойиҳаларни баҳолаш малакасини шакллантириш, ва ҳ.к.

Таълим фаолиятининг бу устувор белгиларига асосланиб айтиш мумкинки, бўлғуси техника йўналиши мутахассисларида техноэтик маданиятни шакллантириш муаммоси ўз ичига кўп мустақил масалаларни олади ва бир қатор концептуал қоидаларни белгилаб беради. Булар талабаларда техноэтик маданиятни шакллантиришнинг конкрет технологик масалаларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.



Олий техник таълим муассасаларида техноэтик дунёқарашни ривожлантиришдаги устувор вазифалар

Кўрсатиб ўтилган концептуал қоидалар техноэтик маданиятни шакллантириш жараёнида таълим берувчи билан таълим субъекти ўртасида диалектик алоқадорлик бўлишини тақозо қилади.

МУҲОКАМА

Техноэтик маданият моҳияти ва муаммолар ечимини топиш масаласини таҳлил қилиш асосида айтиш мумкинки, бу интеграл тушунча бўлиб, унинг таркибий қисмлари техник билимдонлик, ахлоқий маданият, ижодкорлик маданияти, эстетик маданият, янгиликни идрок этиш маданияти, бошқариш маданияти каби тузилмалардан ташкил топади.

Бизнинг фикримизча, бундай мақсадни изчил равишда амалга ошириш учун барча олий техника таълими муассасаларида таълим йўналишларининг юқори босқичларида танлов асосида фанлар қаторида “Техноэтик маданият” фанини ўқитишни жорий этиш мумкин. Бу фанни ўқитишдан кўзланадиган асосий таълимий мақсад бўғуси техника мутахассисларни ўзгарувчан бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда касбий фаолият доирасида яшовчанлик хусусиятига эга бўлган, рақобатбардош янги товар ёки хизмат турини яратиш бўйича инновацион ғояни илгари суриш, уни рўёбга чиқариш орқали меҳнат жараёнини яхшилаш, шу билан бирга техникани яратишга, фойдаланишда ва такомиллаштиришда юксак ахлоқий масъулиятни англашга, техникани инсонни бошқаришига эмас, инсон ҳаётини фаровонлаштириш, қулайлик яратишга ҳизмат қилишига доир фаолият маданиятини шакллантиришдир. Мазкур фанни ўқитишда қуйдаги таълимий мақсадлар амалга оширилади:

-талабаларда техноэтик маданиятнинг ҳаётий зарурат эканлиги, унингтехнологиялар оламидаги рақобат жараёнида яшовчанликни таъминлаш усули сифатидаги тавсифи, унинг турлари, техноэтик маданиятнингшакллантириш учун малакавий тайёргарлик даражаси ҳақидаги назарий билимларни сингдириш;

-ўқув режасида кўзда тутилагн аудитория, аудиториядан ташқари машғулотлар, мустақил ишлар, илмий – тадқиқот ишлари, малакавий амалиёт доирасида талабаларда техноэтик маданиятни ривожлантиришга йўналтириш, олий ўқув юртида, бошқа корхона ва муассасаларда техника этикасини намоён бўлишини таъминлаш.

Таълимнинг аниқ йўналиши, алоҳида мутахассислик ёки ижтисослик учун зарур бўлган фанларни аниқлаш, ҳар бир фаннинг мазмунини оптимал равишда белгилашда ҳозирги даврда илмий билиш соҳасида кечаётган, бир-бирига қарама-қарши бўлган 2 жараён дифференциацияланиш ва интеграцияланиш эътибога олиш ўта муҳим бўлиб қолмоқда. Маълумки, ҳозирги даврда илмий билиш соҳасида янги фанлар, фан тармоқларни яратиш, алоҳида долзарб муаммоларни чуқур ўрганиш зарурияти янгидан – янги фанларнинг шаклланишига олиб келмоқда. Мана шундай шароитда техника йўналишлари учун техноэтик маданият шакллантиришга йўналтирилган интеграллашган таълимни таклиф қилиш смарадор ҳисобланади.

Инновацион ўқитишнинг кўлами, қамровини кенгайтириш, алоҳида муаммоларни чуқурлаштирилган ҳолда тадқиқ этишни тақозо этувчи бундай жараёнлар олий техника таълимнинг аниқ йўналиши, мутахассислик, ихтисослик бўйича ўқитилиши мақсадга мувофиқ бўлган фанларни аниқлаш уларнинг оптимал мазмунини белгилаш энг муҳим, уларни ўқитиш жараёнида интеграцияланишни таъминлашга эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Бунинг учун ҳар бир соҳога оид фундаментал ва махсус фанлар ўртасидаги

вертикал интеграцияни алоҳида мутахассислик ёки ихтисослик фанлари орасидаги горизантал алоқаларни мустаҳкамлаш диққат маркази бўлмоқда. Албатта, фанлар ўртасидаги мантиқий боғланишларни кучайтириш бўлғуси мутахассисларнинг малакавий тайёргарлигини оширишга замин яратади.

Шундай ёндашув техника ва технологиялар таълими соҳасида кечадиган инновацион жараёнларни таҳлил қилиш, келажакда анашундай ижодий фаолиятни мустақил равишда олиб бориш учун зарур бўлган малакаларни синглиришга ёрдам беради. Албатта, олий техника таълими муассасаларидаюзага чиқаётган муаммолар асосида амалий фаолиятда кенг жорий этилаётган янги фанларни амалдаги ўқув режалари ва дастурларига киритишда аниқ мезонларга асосланиш лозим. Ҳозирги даврда мана шундай мезонларни акс эттирувчи методологик ва илмий услубий ёндашувлар шаклланимоқда. Уларнинг қаторига, жумладан, олий техника таълими муассасаларида ўқитиладиган фанларни аниқлаш уларнинг мазмунини белгилашга мадулли ўқитиш нуқтай назаридан ёндашиш, фанларни ўқитишга йўналтиришдан аста – секинлик билан компетентликни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига ўтиш қабилар киради.

Ҳар икки ёндашув ҳам олий техника йўналиши талабаларига кенг қўламли, замон талабига мос келадиган билимларни сингдириш орқали уларда бўлғуси касбий фаолият ҳақида, унинг ривожланиш тенденциялари, табиийки, соҳада янгича ёндашув бўлгантехноэтик позиция ҳақида атрофлича тушунчаларни сингдиришга ижобий таъсир кўрсатади.

“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” Давлат дастурида математика, кимё ва биология фанларини ривожлантириш, ушбу йўналишларда таълим сифати ва илм-фан натижадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда математика, кимё ва биология фанлари бўйича таълим сифатини тубдан ошириш, умумтаълим мактабларида ушбу фанларни ўқитишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, таълим муассасаларини замонавий лабораториялар, дарсликлар ва бошқа ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, ушбу йўналишларга малакали ўқитувчи-мураббийларни жалб этиш, кадрлар тайёрлаш ва илм-фан натижаларидан фойдаланишда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида ўзаро яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Президентимизнинг шу соҳага оид қарорлари қабул қилинди.

Олий техника таълими муассасаларида ўтилиши таклиф қилинаётган “Техноэтик маданият асослари” модули доирасида ўқув режалари, дастурларни яратиш соҳасида қўлланилаётган замонавий усулларнинг таълимнинг пировард натижаларида ҳам акс этишига эришиш учун яхлит таълим тизимининг икки муҳим компоненти – ўқитиш фаолияти ва таълим олиш фаолиятини такомиллаштириш зарурий талабга айланмоқда. Бўлғуси техника мутахассисларини ўқитишни касбий фаолият учун зарур бўлган компетентлик даражасини инобатга олган ҳолда амалга ошириш олий таълим соҳасидаги истиқболли йўналишлардан биридир. Техноэтик маданиятга оид касбий компетентлик мутахассиснинг ўзи фаолият олиб борадиган соҳадаги муаммоларни англаб етиш, бунда ахлоқий масъулиятни устувор билиш, уларни юқорисавияда ҳал қилиш, ўзи бажарадиган иш юзасидан масъулиятни тўлиқ зиммасига олиш учун зарур бўлган малакавий тайёргарлик даражасини акс эттирувчи тушунчадир.

ХУЛОСА

Янги давр воқелиги, тез суръатлар билан ўзгариб борадиган ҳозирги шароитда профессионал компетентлик янги маъно касб этиб, нафақат касбий фаолиятни таълим олиш жараёнида ўзлаштирилган, репродуктив фаолият учун хос бўлган усул, услуб ва воситалардан самарали фойда-ланишни, балки янгиликларни жорий этиш, имконият даражасида инновацион ғояларни мустақил равишда илгари суриш ва уларни рўёбга чивариш солоҳиятини ҳам ифода қилади. Бўлғуси техника соҳаси мутахассисларини техноэтик маданият мужассамланганиш фаолиятига тайёрлашни профессионал компетентликнинг зарурий талабларидан бири сифатида шакллантириш ғоят мураккаб ва кўпқиррали таълимий жараёндир. Уни юритишни кўп босқичли таълимий вазифа деб қараш мақсадга мувофиқ бўлади.

Дарҳақиқат, яратиладиган янги технология, товар ёки хизмат турини жорий этишга жазм қилган корхона ёки муассаса инновацион фирманинг фаолиятига кўмаклашиш ҳақида қарор қабул қилишдан аввал инновациянинг барча жиҳатлари, шу жумладан, техник ва технологик нуқтай назардан мақсадга мувоқиқлиги ҳақида хулосаларни ўрганади. Демак, инновациондан манфаатдор бўлган томоннинг нуқтай назари инновацион лойиҳанинг ижобий натижа беришини маъмум даражада ишончли эканлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон.
2. Шермухамедова Н. Техника фалсафаси // Ўқув-услубий мажмуа. –Тошкент.: ЎЗМУ. 2013. –Б.47.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.05.2020 й., 07/20/4708/0553-сон). Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.08.2020 й., 07/20/4805/1174-сон)
4. Nazarova, G. (2021). METHODS OF DIRECTING ECONOMICS TO SCIENTIFIC RESEARCH ACTIVITIES. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS (2767-3278), 2(06), 90-95.
5. Nazarova, G. (2021). Modern pedagogical factors for the development of analytical thinking in future economists. ACADEMICIA: AnInternational Multidisciplinary Research Journal, 11(3), 511-517.
6. Abdurahmonovna, N. G. (2022). Will Be on the Basis of Modern Economic Education Principles of Pedagogical Development of Analytical Thinking in Economists. European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 6, 627-632.
7. Abdurahmonovna, N. G. (2022). Factors for the Development of Creativity and Critical Thinking in Future Economists Based on Analytical Thinking. Journal of Ethics and Diversity in International Communication, 2(5), 70-74.

8. Nazarova, G. A. (2022). Will be on the basis of modern economic education Principles of pedagogical development of analytical thinking in economists. *Journal of Positive School Psychology*, 9579-9585.
9. Назарова, Г. А. (2022). АНАЛИТИК ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(3), 309-314.
10. Bakhromovich SI. The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*. 2020;10(12):1014-20.
11. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. *Вестник Ошского государственного университета*, (3), 38-42.
12. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
13. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.7 Philosophical sciences).
14. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 1(3), 79-86.
15. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science*, 16 (2), 55-59 p.
16. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. *European science review*, (7-8).
17. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 364-369.
18. Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medieval eastern scholars. *Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation*. Turkey, 2021. №32 (3), (Scopus) – P. 30338-30355
19. Bakhromovich, S. I. (2022). Dialectical and synergetic features of the development of theological and epistemological views in medieval eastern islam. *European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA)*, - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83